

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОЙИ номидаги ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

---

Қўлёзма ҳуқуқида

ҚАЮМОВ Олим Садриддинович

УДК 398.221(575.1)

## ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА ПАРИ ОБРАЗИ

(генезиси ва поэтикаси)

10.01.09 — Фольклоршунослик

Филология фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент—1999

Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти  
Фольклор бўлимида бажарилган.

Илмий раҳбар — филология фанлари доктори **М. ЖУРАЕВ.**

Расмий оппонентлар — филология фанлари доктори, профессор

**Ғ. О. ЖАЛОЛОВ,**

— филология фанлари номзоди

**Ғ. ҲАЙДАРОВ.**

Етакчи илмий муассаса — Тошкент вилоят педагогика институти.

Ҳимоя 1999 йил \_\_\_\_\_ ойининг \_\_\_\_\_ куни \_\_\_\_\_ да Ўзбекистон  
Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил  
ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК 015.04.01 рақамли докторлик  
илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича  
Бирлашган ихтисослаштирилган кенгаш йиғилишида ўтказилди.

Манзил: 700170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Акаде-  
мияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 700170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 13-уй.

Автореферат 1999 йил \_\_\_\_\_ ойининг \_\_\_\_\_ кунида гар-  
қатилди.

Бирлашган ихтисослаштирилган  
кенгаш илмий котиби,  
филология фанлари доктори



**Ғ. О. ЖАЛОЛОВ**

## ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Маънавий жиҳатдан баркамол ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишда аждодларимизнинг асрлар давомида шаклланган бадийий анъаналари гоёт муҳим амалий аҳамият касб этади. Бадийий тафаккур тараққиётининг тадрижий ривожидавомида яратилган маънавий кадриятлар тизимида халқимиз турмуш тарзи, миллий анъаналарининг ўзига хослиги, ғоявий ва эстетик қарашлари ўзининг бетакрор поэтик ифодасини тонган.

Халқ оғзаки ижоди бадийий анъаналари тизимида поэтик тафаккур тараққиётининг илк қатламларига мансуб бўлган архаик сюжетлар, эпик мотивлар ва мифологик инончлар ила туташ образлар силсиласи алоҳида ўрин тутади. Мифологик образларнинг тарихий асослари, бадийий фикр ривожининг турли босқичларидаги эпик талқинлари ва эволюцияси каби масалаларни ўрганиш назарий фольклоршунослигимизнинг долзарб йўналишларидан бирини ташкил этади.

Республикамиз миллий истиқлолга эришганидан кейин ўзбек фольклоршунослиги ҳам янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Миллий хурлик бахш этган ижодий эркинлик халқимизнинг қадимий мифологик тасаввурлари тизимини, шунингдек, эътиқодий қарашларнинг фольклор асарларидаги бадийий талқинларини кенг кўламда тадқиқ этишга имкон тугдирди. Чунки аждодларимиз яратган маънавий меросни чуқур таҳлил қилиш орқали миллий бадийий тафаккур анъаналаримизнинг ўзига хос эстетик қонуниятларини очиб бериш мумкин бўлади.

Зеро, фольклор анъаналарини тадқиқ ва тарғиб этиш миллий истиқлолимизнинг маънавий таянчи ҳисобланади. Юртбошимиз И.А.Каримов жуда тўғри таъкидлаганидек, «Сарчашмалари буюк аждодларимизнинг тафаккурлари ва мудждоларидан бошланадиган халқимизнинг маънавий кадриятлари иқтисодий ўзгаришларимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади»<sup>1</sup>.

Ўзбек фольклоршунослигида кейинги пайтларда мифологик тасаввурлар ва мифик образларни ўрганишга бир қадар кизиқиш кучайган бўлишига қарамасдан, пари образига алоқадор бадийий матнлар махсус тадқиқ этилгани йўқ. Холбуки, пари билан боғлиқ халқ қарашларининг пайдо бўлиш тарихи ва мифологик тасаввур-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Тошкент, Ўзбекистон, 1994. – 69-бет.

лар тизимида тутган ўрни, пари образининг қадимги ҳосилдорлик култи билан генетик жиҳатдан алоқадорлиги, халқ қарашларининг пари образи бадий эволюциясида тутган ўрни, пари образининг бадий талқинлари, семантик типлари ва ўзбек халқ эртақлари сюжет тизимидаги бадий вазифалари каби масалалар фольклоршунослар томонидан тадқиқ этилиши зарур бўлган долзарб муаммолар сирасига киради.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Пари образининг ўзига хос мифологик талқинлари фольклоршунослар томонидан махсус тадқиқ этилмаган бўлса-да, Х.Зарифов, М.Афзалов, Б.Каримий, К.Имомов, Ғ.Жалолов, Ғ.Саримсоқов, Х.Эгамов, М.Жўраев каби олимларнинг эпос ва этак поэтикасига доир тадқиқотларида пари образининг бадий вазифалари ҳақида айрим мулоҳазалар учрайди<sup>1</sup>.

Хоразм воҳаси ўзбекларининг пари тўғрисидаги инончларини ўрганган Г.П.Снесарев Симиён пари, сув пари образларини алоҳида қайд қилган бўлса<sup>2</sup>, О.А.Сухарева Зарафшон воҳаси тожиклари демонологиясига доир бир илмий ишида пари ҳақидаги мифик инончлар таҳлилига алоҳида тўхталади<sup>3</sup>.

Бундан ташқари О.Муродов, К.Тойжонов, Ҳ.Исмоилов, Е.Бертельс ва В.Басилов каби олимларнинг мақолаларида<sup>4</sup> пари

<sup>1</sup> Зарифов Х. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар// Пулкан шоир. – Тошкент, 1976; Афзалов М. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. – Тошкент, 1964; Каримий Б. Ўзбек халқ эртақларининг биъзи хусусиятлари// Ўзбек тили ва адабиёти, 1995, 5-6-сонлар; 1997, 1-сон; Имомов К. Ўзбек халқ прозаси – Тошкент, Фан, 1979; Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртақчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент. Ўқитувчи, 1980; Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида сеҳрли рақамлар. – Тошкент, Фан, 1991.

<sup>2</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М., Наука, 1969; Его же. Под небом Хорезма (этнографические очерки). – М., Мысль, 1973.

<sup>3</sup> Сухарева О.А. Пережитки демонологии и шаманизма у равнинных таджиков// Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М., 1974. -С.5-93.

<sup>4</sup> Муродов О. Духи пари и обряд «париталбон» (приглашение пари) у таджиков Средней части долины Зарафшана// Изв.АН Тадж.ССР. Отд.общ. наук, 1974, № 4. - С. 42-48; Тойжонов К., Исмаилов Х. Особенности доисламских верований у узбеков-карамуртов// Древние обряды, верования и культуры Средней Азии. - М., 1986. - С. 118-120; Бертельс Е. Пари// Культура и искусства народов Средней Азии в древности и средневековье. М., 1979. - С. 127; Басилов В. Н. Пари// Мифы народов мира – Т.2. – М. 1989. - С. 286.

образининг моҳияти ва талқинлари хусусида умумий тарзда бўлса-да, сўз юритилади.

Кўрчанадики, пари ҳақидаги халқ қарашлари этнографик жиҳатдангина ўрганилган бўлиб, бу образининг юзага келишига асос бўлган қадимий мифологик тасаввурлар, пари образининг манбалари, тадрижий ривож, бадий матндаги семантик функциялари ва поэтик табиати каби масалалар фольклоршуносликда ҳалигача тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Пари образининг Ўрта Осиё халқлари мифологиясида тутган ўрни ва у билан боғлиқ халқ қарашларининг генезисини этнофольклористик жиҳатдан таҳлил қилиш диссертация ишининг асосий мақсадини ташкил этади. Бу мақсадни амалга ошириш учун тадқиқот давомида ҳал қилиниши лозим бўлган куйидаги вазифалар белгиланди:

- пари образининг моҳияти ва мифологик талқинларини ёритиб бериш;

- пари билан боғлиқ халқ қарашларини тарихий-қийсий жиҳатдан таҳлил қилиш;

- пари образининг генезисини ҳосилдорлик культлари билан боғлиқликда ўрганиш;

- пари образининг мифологик қарашлар ва демонологик тасаввурлар тизимидаги ўрнини белгилаб бериш;

- пари образининг мифологик асослари ва бадий эволюцияси босқичларини ёритиш;

- пари образининг ўзбек халқ эртақларидаги бадий талқинлари ва поэтик табиатини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Мазкур диссертация ишининг илмий янгилиги аввало шу мавзу туркий фольклоршуносликда биринчи марта монографик жиҳатдан тадқиқ этилаётганлиги билан белгиланади. Ўзбекларнинг пари билан боғлиқ мифологик қарашлари ва бу образининг афсона, оғзаки ҳикоя, эртақ ҳамда дoston матнларидаги бадий талқинлари биринчи марта ўрганилди. Пари образининг келиб чиқиши – тарихий асослари, мифологик образ сифатидаги эволюцияси ва сеҳрли эртақлар сюжет қурилишидаги бадий-эстетик вазифалари ҳамда архаик (зооморф), антропоморф ва тимсолий қиёфаларининг ўзига хос талқинлари тарихий-қийсий аснода тадқиқ этилганлиги ишнинг муҳим илмий-назарий янгилигидир.

Диссертацияда ўзбек халқ эртақларидаги пари образининг бадий вазифалари «пари – ҳомий», «пари – эпик кўмакчи», «пари – эпик рақиб» функционал қатламлари мисолида ўрганилди.

Пари ҳақидаги мифик тасавурлар генезиси Ўрта Осиёда яшаган қадамги деҳқонларнинг ҳосилдорлик гоёси билан боғлиқ аграр культлари ва тўзаллик тушунчасига алоқадор эстетик қарашлари замирида шаклланганининг аниқланиши, шунингдек, исломгача ва исломдан кейинги давр каби босқичларга бўлиб ўрганилиши диссертацияда янги назарий хулосаларнинг чиқарилишини таъминлаган.

**Тадқиқотнинг методи ва илмий-назарий асослари.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг миллий маданият ва маънавиятни ривожлантириш, анъанавий кадрятлар тизimini тадқиқ ва тарғиб этиш борасидаги концептуал назарий мулоҳазалари диссертация ишининг методологик асосини ташкил этади. Пари ҳақидаги халқ қарашларининг моҳияти ва эпик сюжетдаги бадиий вазифаларини таҳлил қилишда В.Я.Пропп, Е.М.Мелетинский, Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, Г.П.Снесарев, О.Муродов, С.П.Толстов, О.А.Сухарева, Дж.Фрезер, С.А.Токарев, Т.Мирзаев, Ғ.Жалолов, К.Имомов, Ҳ.Эгамов, Б.Саримсоқов, М.Жўраев каби фольклоршунос ва этнографларнинг илмий асарларида баён қилинган назарий хулосаларга асосланилди.

Пари образининг мифологик асослари, поэтик табиати ҳамда эстетик функцияларини тадқиқ қилишда тарихий-қиёсий методдан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти.** Пари – Марказий Осиёда яшовчи кўпгина халқлар фольклорининг муштарак мифик образи бўлганлиги учун ушбу тадқиқотнинг назарий умумлашмалари пари образининг типологияси ва локал белгиларини кенг кўламда тадқиқ этишга имкон тугдиради.

Мазкур илмий ишнинг назарий хулосалари ва натижаларишан олий ўқув юртларида ўзбек фольклори бўйича махсус курслар ўтишда, дарслик, ўқув қўлланмалари ва дастурлар тузишда, мифологик қомуслар яратишда, мифик қарашларга доир материаллар тўплаш усулларини такомиллаштиришда, фольклор асарларининг оммавий ва академик нашрларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги диссертациянинг амалий аҳамиятини белгилайди.

**Тадқиқотнинг манбалари.** Диссертация ишини ёзишда Ўзбекистон Республикаси ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида сақланаётган материаллар, нашр этиб, оммалаштирилган фольклор асарлари, тарихий ва адабий манбаларда, шунингдек, диссертант томонидан Навоий, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан тўпланган

этнофольклористик материаллар асосий тадқиқот объекти қилиб олинди.

Тадқиқотнинг жамоатчилик эътиборидан ўтиши. Мазкур диссертация ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор ва Адабиёт назарияси бўлимларининг кўшма мажлисида, шу институт Фольклор бўлими қошида ҳамда Абдулла Қодирий номидаги Ташкент Давлат Маданият институти Халқ ижодиёти кафедраси хузурида 10.01.09 – Фольклоршунослик мутахассислиги бўйича ташкил этилган илмий семинарлар йиғилишида ҳам муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган. Илмий ишнинг асосий мазмуни диссертантнинг ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида ўтказилган ёш адабиётшунос олимларнинг Республика анъанавий илмий анжуманларида, шунингдек, Навоий Давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг анъанавий илмий конференцияларида қилган маърузаларида ўз ифодасида топган. Тадқиқот юзасидан 6 та илмий мақола ва ахборотлар нашр қилинган.

Тадқиқотнинг тузилиши. Диссертация кириш, икки асосий боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

### ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги, қўйилаётган масалаларнинг ўрганилиш доираси, ишнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг объекти, илмий-назарий аҳамияти, методологик асослари ва тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Пари ҳақидаги халқ қарашлари ва унинг тарихий асослари» деб номланган бўлиб, «Пари билан боғлиқ халқ қарашлари» деб аталган илк фаслда ўзбекларнинг пари тўғрисидаги мифологик инончлари тизими яхлит ҳолда тадқиқ этилган.

Диссертацияда пари ҳақидаги халқ қарашлари дуалистик тасавурлар, ҳосилдорлик култи ва ўзбек мифологиясининг қадимий қатламга хос инончлар билан боғлиқликда таҳлил қилинган. Пари образининг ўзига хос белгиларидан бири унинг сув билан боғлиқлигидир. Халқ қарашларига кўра, парилар сув ҳавзаларида (дарё, ариқ, сой, кўл, қудук) ҳам яшайдилар деб тасавур қилинади. Хусусан, хатирчилик 72 яшар Зухромомо Шамсиевнинг айтишича, қишлоқдаги Рашибжон тепа деган тепаликнинг ёнидан Нарпай ариғи оқибди. Мана шу тепаликда етти та хур пари яшар экан. Улар ҳар бозор кунини сув бўйига чиқиб сочили юваркан. Кейин ўйин қилишар экан. Агар ким уларнинг ўйинини

бузиб даврасидан ўтса, унинг соғлиғига зиён етармиш. Ана шу тасаввурлар замирида ҳам пари ҳақидаги дуал қарашлар ўз ифода-сини топган. Шу боис улар «ўйинини бузган кишини» жазолайди.

Нуроталик Очил қушноч Абдуллаевдан Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган матнда сув билан боғлиқ пари номи тилга олинган:

Сув бўйида Суксур пари,  
Кўлласинда, худойим, облаҳув!<sup>1</sup>

Демак, Суксур парининг манзили – сув тубидир. У сув париларининг етакчиси ёки кучли магик хусусиятга эга бўлган ҳомийлардан бири бўлса керак.

Парилар ҳақидаги афсоналарда Симиён, Симин боғ каби атамалар кўп учрайди. Хоразмликлар орасида ҳам Симиён пари ҳақида мифик тасаввурлар мавжудлиги Г.П.Снесарев томонидан қайд қилинган<sup>2</sup>.

Симин боғ – сув остида жойлашган деб тасаввур қилинган афсонавий гўша, сув парилари дам оладиган жой бўлиб, Симиён пари ана шу боғнинг соҳибасидир. Чунки чироқчилик қушноч Аширой Рўзиевадан 1957 йилда Музайяна Алавия ёзиб олган парихонлик маросими айтимидаги куйидаги мисралар шундай ҳулоса чиқаришга имкон беради. Қушноч айтимининг “Кўч-кўч” қисмида:

Симиён бўлсанг сувларга,  
Арвоҳ бўлсанг гўрларга,  
Хайда, бадбахт, ўйнаб кўч!

деб ёвуз руҳлар ҳайдалади.

Башарти, Симиённинг “кўчиш жойи” сувлик манзил деб қаралар экан, бу ўринда сув остида яшовчи ёвуз куч, яъни касалликка сабаб бўлувчи сифатида тасаввур қилинган Симиён пари назарда тутилаётганини англаш қийин эмас.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, сув парилари ўзбек шомонлари билан доимий ритуал мулоқотда бўлиб турадиган ҳомий руҳлар тоифасига мансуб мифологик образлар сирасига киради.

Диссертант ўзбек қушночлари ва шомонлари билан мулоқотда бўлиб, париларнинг турли миллатга мансублиги ҳақидаги халқ қарашларини ҳам тўплаган.

<sup>1</sup> ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. Инв. № 1443/Х.

<sup>2</sup> Снесарев Г.П. Реликты... - С. 29.

<sup>3</sup> ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. Инв. № 1315/І. 96-бет.



Пари ҳақидаги халқ қарашларига доир материалларни яхлит тизим сифатида ўрганиш шундан далолат берадики, ўзбек мифологиясида париларнинг кўпчилиги ўзининг яшаш жойи, ташқи кўрinishи, ёши, жинси, дини, миллати ва вазифасидан келиб чиқиб, муайян номлар билан аталган.

Диссертант ўзбек мифологиясига доир материалларни, шунингдек, этнономастик жиҳатдан таҳлил қилиш асосида париларнинг номланишига асос бўлган қуйидаги етакчи лисоний мезонларни аниқлади:

1) Тарихий ва афсонавий шахслар номи, яъни антропонимларнинг пари исмига айланиши: Сулаймон пари, Лукмон пари, Абдурахмон пари, Довуд пари, Ҳасан пари, Хусан пари, Гавҳар пари, Зулайхо пари;

2) Париларнинг яшаш жойи, улар маскан қилган афсонавий макон билан боғлиқ номлар: Гулистон пари, Симиён пари, Беҳишт пари, Бухоро мармар париси, Ғор париси, Тоғ париси;

3) Ўсимлик номлари асосида ясалган номлар: Гулнор пари, Гулхон пари, Гул пари, Гулжамол пари, Бугдой пари;

4) Жуғрофий атамалар асосида юзага келган номлар: Қарноқ пари (Қарноқ – Чимкент вилоятининг Туркистон туманидаги қадимий қишлоқ номи), Сайрам пари;

5) Самовий жисмлар номи асосида юзага келган исмлар: Юлдуз пари, Ой пари, Кун пари;

6) Парининг ғайб олам вакиллари орасидаги мавқеи, ижтимоий ҳолати, мансаби ёки лақабларини англатувчи номлар: Оҳун пари, Султон пари, Хур пари, Тўқмомо пари, Оксоқ пари, Оксоч пари, Хунхўр пари, Сарвар пари, Фармон пари;

7) Жониворлар номи асосида шаклланган исмлар: Йўлбарс пари, Илон пари, Каптар пари, Мурғ пари, Лочин пари, Аждар пари;

8) Нарса-ҳодисалар маъносини англатувчи сўзларнинг пари номига айланиши: Сув париси, Оташ пари, Ёмғир пари, Нон пари, Дутор пари, Туз пари, Камчин пари, Ойна пари;

9) париларнинг миллий мансубиятини билдирувчи номлар: Жухуд пари, Хинду пари, Арман пари, Кашмири пари, Туркман пари.

Ўзбеклар орасида кенг тарқалган мифологик қарашларга кўра, парилар тўрт хил кифада тасаввур этилар экан:

1) Антропоморф, яъни инсоний кифада тасаввур қилинган парилар;

2) Зооморф, яъни жонивор кўринишида тасаввур қилинган парилар;

3) Қурама, яъни ярми инсон, ярми жонивор кўринишида тасаввур қилинадиган парилар;

4) Тимсолий қиёфа, яъни нарса-ҳодисалар тарзида тасаввур қилинган парилар.

Инсоний қиёфа – париларнинг асосий шакли шамоили. Бу кўринишдаги пари образининг етакчи белгиси гўзалликдир. Одатда бундай парилар ниҳоятда сулув, ойдай гўзал кизлар ёки баркамол йигитлар қиёфасида тасаввур қилинади.

«Анқоқуш» эртагида тасвирланган Гулиқаҳҳақ пари инсоний қиёфада намоён бўлади. Унинг гўзалликдаги таърифи замин кизларининг соҳибжамол қиёфасини эслатади. «Қирқ кокили тақимини ўпадиган» Гулиқаҳҳақ парининг бадани сутга чайиб қўйгандай оппоқ. Қуралай кўзлари, pista даҳани, юзидаги ҳинду холи кўрган кишининг ақлу ҳушини олади. Одатда эртак ва дostonларда парилар ҳусну жамоли таърифланадиган бўлса «ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор», «сабзи еса бикинидан, сув ичса томоғидан, майиз еса киндигидан кўринади» каби анъанавий формулалар қўлланилади.

Инсоний қиёфада тасвирланган париларнинг яна бир муҳим белгиси – сочи узунлиги, яъни «Қора сочи тақимини ўпишидир». «Эрмана мерган» эртагида<sup>1</sup> қаҳрамонни сафарга йўллаётган кампир шундай дейди: «Сен қидириб келган қўл менинг пари синглимининг қўли бўлади. Унинг қирқ қулоқ сочи бор. У қирқ кун ухлайди». Эрмана мерган кампир айтган чинорнинг олдига борибди. Қараса, чинорнинг ичи ярақлаб турган эмиш. Чинорнинг ичига кириб қараса, у ерда бир пари ётган эмиш. Эрмана мерган парининг қирқта сочини чинорнинг қирқта шохига боғлайди.

Қадимги анимистик тасаввурга кўра, соч жонли нарса бўлиб, унда эгасининг магик қудрати, кучи мужассамлашган бўлади. Шу боис пари ўз магик қудратишан маҳрум бўлгани учун Эрмана мерганга таслим бўлади.

Узун соч париларга хос белги бўлгани учун халқимизда тим қора, бўлиқ соч париларга даҳшдорлик аломати деб қаралади. Шунинг учун бўлса керак, сочи узун кизларни «фалончининг соч париси бор» деб таърифлайдилар.

Парилар зооморф қиёфа касб этганда, кўпинча каптар кўринишига қирадилар. Проф. Б.Саримсоқовнинг ёзишича, «Парилар-

<sup>1</sup> Олтин бешик, 229-230-бет.

нинг кўпроқ қайси парранда қиёфасига кириши масаласида ўзбек халқ эртаклари ва дostonлари бир хил хусусиятга эга. Ҳар икки жанрда ҳам парилар қаптар қиёфасига қирадилар, агар истисно тарзида пари қизлар бошқа хил қушлар қиёфасига кирса, бу ҳодиса фақат кейинги даврларга хос трансформация натижаси сифатида олиб қаралиши лозим»<sup>1</sup>.

Халқ қарашларига кўра, пари кўпинча кўк қаптар бўлиб учиб юради. Халқ бахшиси Раҳматулла Юсуф ўгли томонидан тўпланган эътиқодий инончларга кўра, «қаптар – пари деб тахмин қилинган. Ҳатто қирқта қаптар бўлса, ҳар ким тош отса, шикаст кўради. Чунки пари қирқ канизи билан бирга юради»<sup>2</sup>.

Хатирчиликлар ҳам кўк қаптарни кўрганда, пари деб гумон қилиб, иложи борича ҳуркитмасликка, озор етказмасликка ҳаракат қиладилар. Қаптарларни ушлаб олган, уларга тош ёки кесак отган киши бирор дардга йўлиқади деб ирим қиладилар. Қаптар гўшти-ни ейиш гуноҳ дейдилар.

Нурота тоғларида истиқомат қилувчи овчилар ҳам қаптарни отиб олса, увол бўлади, чунки мабоо парилардан бўлса, отгувчи зарарланиб қолади деб ишонадилар. Агар қаптарлар айланиб, «ху-ху»ласа, «парилар зикрга тушиб, ҳалқа солаяптилар» деб таъбир қиладилар<sup>3</sup>.

Дунёдаги кўпгина халқларда бўлгани сингари, ўзбекларда ҳам одам ўлса, унинг жони қушга эврилади деган анимистик қараш мавжуд бўлган. Чунки қуш юқори олам – руҳлар маскани деб тасаввур қилинган кўкнинг зооморф атрибути. Қадимги анимистик мифларда қуш – жон рамзи бўлиб келади. Парининг қаптарга эврилиши ҳам жоннинг қуш сувратида намоён бўла олиши ҳақидаги мифологик тасаввурлар билан боғланадиган мотив.

Бундан ташқари, диссертацияда париларнинг илон, от, қурбақа, маймун кўринишида намоён бўлиши билан боғлиқ халқ қарашлари ҳам таҳлил қилинган.

Ўзбекларнинг пари ҳақидаги мифологик қарашлари тизимида қурама, яъни ярим жонзот, ярим инсон кўринишида тасаввур қилинган афсонавий образлар алоҳида ўрин тутади.

Қадимги антик давр ва ўрта аср тасвирий санъатида кенг ишланган аяъанавий образлардан бири, боши гўзал қиз сувратида, танаси эса қуш сийратли мифологик жонзотдир. Бу мифологик

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси... 139-бет.

<sup>2</sup> ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. Инв. № 1713/22.

<sup>3</sup> ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. Инв. № 1713/4.

образ сиренлар деб аталади<sup>1</sup>.

Л.И.Ремпельнинг маълумотларига қараганда, қадимги Хоразмнинг II-III асрларга мансуб ёдгорлиги – Тупроққалъа деворида йигит қиёфасидаги сирен тасвирланган. Қиз – сиренлар тасвири эса қадимги Нисо(миллоддан бурунги II асрдан топишган қумуш идишнинг туткичида, Варахшадан қазиб очилган бухорхудотлар саройи (VIII аср) деворидаги ганч лавҳада, XI-XII асрга оид кўплаб мис буюмлардаги чизгиларда мавжуддир<sup>2</sup>.

Диссертант ярим қуш, ярим инсон (қиз ёки йигит) кўринишида тасвирланадиган сиренлар образининг юзага келишига пари ҳақидаги халқ қарашлари, аниқроғи унинг антропоморф ва зооморф (қуш) қиёфадаги талкинларининг мифологик пантеонда бирлашиб кетиши асос бўлган деб ҳисоблайди. Парилар дастлаб инсоний (гўзал қиз) қиёфада тасаввур қилинган. Кейинчалик бу образнинг зооморф ва тимсолий қиёфалари ҳақидаги халқ қарашлари шаклланган. Халқ қарашлари талкинича, пари асосан инсоний шаклу шамоийлини сақлаб қолгани ҳолда маълум вазиятлардагина қуш кўринишини олади. Бу эврилиш инсон → қуш; қуш → инсон йўналишида кечади. Париларнинг антропоморф (гўзал қиз) ва зооморф (қуш) кўриниши айрим мифологик тизимларда яхлит ҳолда тасаввур қилинган. Натижада одам бошли, қуш суратли афсонавий жонзот ёки пари образининг қурама қиёфаси юзага келган. Парининг инсон+қуш кўринишидаги гибрид қиёфаси билан алоқадор мифологик қарашларнинг оммалашishi ҳамда халқ амалий ва тасвирий санъатида кенг ишланиши таъсирида кейинчалик грек мифологиясидаги сиренлар образи келиб чикқан.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги мифологиясида қуш+одам кўринишидаги қурама образнинг яна бир типи мавжуд. Бу қанотли одам образи бўлиб, унинг илк тасвирий ифодалари қадимги Бактриянинг бронза даврига оид тумор-муҳрларида акс эттирилган<sup>3</sup>.

«Қанот» детали париларнинг ўзига хос атрибутларидан бири. Чунки ўзбек халқ достонларида тасвирланишича, парилар баъзан бир думалаб каптарга айланмасдан, одам сувратидаги кўринишини сақлаган ҳолда «қанот боғлаб» ҳам учадилар!

<sup>1</sup> Маммаев М.М. О некоторых мифологических и фольклорных образах в средневековом декоративно-прикладном искусстве Дагестана // Проблемы мифологии и верований народов Дагестана. – Махачкала, 1989. – С. 106.

<sup>2</sup> Ремпель Л.И. Цепь времен Вековые образы бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. Т. изд. Литературы и искусства, 1987.

<sup>3</sup> Ремпель Л.И.Цепь времен С.54-57.

«Мисқол пари» достонида Юнус париникида меҳмон бўлган Гулнор пари билан Мисқол парининг ўз юртларига жўнаши шундай таърифланади:

Иzzат, хурмат қилиб Юнус паризот,  
Кийимдан чўртта кўнглини тўлдириб,  
Ҳиндистонга Гулноржонни жўнатди,  
Эрам бокка Мисқолжон қанот боғлаб,  
Гулнор пари қанот боғлаб, париллаб,  
Осмонга давра олиб кетди<sup>1</sup>.

Халқ достонларида «қанот боғлаб учиш» детали парининг бир эпик манзилдан бошқасига кўчишини англатувчи анъанавий бадий формула сифатида қўлланади. Бу пари образининг инсон + қуш кўринишидаги қурама эпик қиёфасининг шаклланишини таъминлаган бадий воситадир.

Халқ қарашларига кўра парилар тупроқ, кесак, тош, ўт-олов сифатидаги тимсолий кўринишда ҳам намоён бўлади ва уларнинг бир тонфаси Олов пари, Оташ пари сингари номлар билан аталади. «Кал гиди» эртагида парилар қахрамонга чўғ (оловнинг атрибутларидан бири) бўлиб кўриниши тасвирланган<sup>2</sup>.

Айёрлар Кал гидини йўқотиш учун уни мазорга бориб ҳолвайтар пишириб келишга қозоннинг тагига энди ўт ёқиб турган экан, осмондан калладай чўғ визиллаб келаверибди. Кал шошилиб гиламни ёзибди, чўғ ўзини гиламга урибди. Кал гиламга чўғни ўраб олиб қирк айёрнинг олдига борибди. Гиламни ёзиб, чўғни қўйиб юборибди. Чўғ визиллаб у бурчакка, бу бурчакка урилиб, қирк айёрнинг бошини у бурчакка, бу бурчакка уриб кетибди. Кал секин эшикни очган экан, чўғ чиқиб кетибди.

Чўғ бўлиб учиб келган нарса пари экан. Эртақда тасвирланишича, мазорнинг ичида бир гумбаз бор экан, қал у гумбазнинг ичига кириб бекиниб ётибди. Ярим кечадан ўтган вақтда гумбаз ичига парилар қира бошлабдилар. Уйин-қулги бошланибди. Парилардан бири туриб айтибди: «Бир кечаси қўчқорлик мазорида пештоқнинг тагига бир қал ўт ёқаётган экан, калладай чўғ бўлиб, бир урай деган эдим, мени гиламга ўраб бориб бир катта меҳмонхонага қўйиб юборди»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Гулнор пари: Ўзбек халқ шеъри. Тошкент Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966, 43-бет.

<sup>2</sup> Дев қиз. Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент, Фан, 1994, 42-43-бетлар.

<sup>3</sup> Дев қиз. Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент, Фан, 1994, 42-43-бетлар.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли пари образининг генезиси ва мифологик образ сифатидаги ривожланиш тарихини ўрганишга бағишланган.

Ўрта Осиё халқларининг зардуштийликдан бурунги мифологиясида юзага келган «пари» образи дастлаб ҳосилдорлик култи ғояларини ифодалаб келганлигини бу персонажнинг мифологик табиати ҳам тасдиқлайди. Диссертант пари образининг мифологик табиати ҳосилдорлик ғоясига алоқадорлигини куйидагича далиллаган:

*Пари образининг сув билан алоқадорлиги.* Ўрта Осиё халқлари мифологиясида париларнинг манзили сув манбалари билан боғлиқдир. Эпик аъъанага кўра, пари сув ҳавзаси – кўл, қудук, булок, дарё бўйида қаҳрамонга дуч келади.

Л.Я.Штернбергнинг аниқлашича, қадимги одамнинг табиатни мифик идрок этиши натижасида сув култи шаклланган. Сув култи замирида сув ҳавзасини жонлантириб тасаввур қилиш ҳамда сув манбаига алоқадор руҳлар оламига ишониш аъъанаси ётади<sup>1</sup>.

Палеолит давридаёқ сув ҳавзаларига сиғиниш аъъанаси маъжуд бўлган. Анимистик қарашлар эволюцияси давомида денгиз, кўл ва дарёлар туби инсонга яхшилик қилувчи эзгу руҳлар ҳамда одам ҳаётига ҳавф солиши мумкин деб қаралган ёвуз кучлар маконидир деган мифологик тасаввур келиб чиққан. Мабодо денгизда тўфон кўтарилиб, дарё суви тошса – ибтидоний одамлар сув руҳлари нимақандир норози бўлиб, ғазабланади деб ўйлаганлар. Турли магик амаллар воситасида сув руҳларини тинчлантиришга уринганлар. Лекин сув фақат кўркинчи руҳлар макони эмас, балки эзгу нъмат деб ҳам қаралган. Сувни эъзозлаш ва уни макон қилган эзгу руҳлар ҳомийлигига ишониш асносида ҳосилдорлик култи юзага келган.

Сув култининг ҳосилдорлик ғояси билан алоқадорлиги ва сув руҳлари ҳақидаги мифик қарашлар асосида қадимги ўрта осийлик деҳқонлар дунёқарашида сув парилари образи яратилган.

2) *Пари образининг илон билан алоқадорлиги;* Илон – парининг зооморф қиёфаларидан бири бўлиб, бу мифик персонаж илон, қурбақа, тошбақа сингари жонзотларга эврилиши мотивининг генезиси «Авесто» мифларига бориб тақалади. Бу жониворлар ер ости олами – зулмат ва унинг рамзий эгаси Ахриманнинг

<sup>1</sup> Штернберг Л.Я. Первобытная религия в свете этнографии. – Л., 1936. – С. 386.

атрибутилари ҳисобланади; пари образи ҳам дуал табиат касб этгани боис баъзан Ахриман бошлиқ ёвуз кучлар сирасига киритилади.

Пари образининг илон билан алоқадорлиги мотивининг тарихий асослари эса тош асри одамларининг ҳосилдорлик култига тааллуқли мифик қарашларга бориб тақалади.

Илон култини осмон сувлари, хусусан, ёмғир тимсоли билан алоқалантириш қадимги Ўрта Осиё деҳқонлари мифологиясининг элементларидан биридир. Палеолит, яъни тош асри ёдгорликлари, ҳатто ундан кейинги даврларда яратилган аёл илоҳа – ҳосилдорлик маъбудаси ҳайкатчаларидаги илон тасвири сув култи, аниқроғи, ёмғир сувлари тимсоли вазифасини бажарган<sup>1</sup>.

Ҳосилдорлик култи ва унинг моддийлаштирилган шакллари – «Муқаддас она», «Она табиат» маъбудалари ҳайкатчаларидаги илонга монанди чизгиларнинг моҳияти ҳақида Л.И.Ремпель шундай ёзади: «Илон деҳқончилик маданияти келиб чиққан қадимги даврлардаёқ аёл илоҳалар, ҳосилдорлик ва абадий барҳаётлик ғояси билан чамбарчас боғланган образ сифатида кенг оммалашган эди»<sup>2</sup>.

Диссертант пари образининг зооморф қиёфаларидан бири илон сувратида намён бўлиши ва Илон пари, Аждар пари каби атамаларнинг мавжудлигига асосланиб, бу мифологик персонаж қадимги Ўрта Осиё деҳқонларининг ҳосилдорлик култи ҳақидаги эътиқодий қарашлари замирида шаклланган деб ҳисоблайди.

3) *Пари образининг ўсимликлар култи билан алоқадорлиги*; Халқ қарашларида пари образи гул, райҳон, тол, ёнғок, туранги, жийда, атиргул, чинор каби ўсимликлар билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Париларнинг номланишида ҳам ўсимлик дунёсига оид атамалар учрайди: Гулиқажқаж пари, Гул пари, Гулранг пари, Гулчехра пари, Сумбул пари, Буғдой пари ва ҳ.к.

Эртақларда пари образининг аниқловчиларидан бири вазифасини бажарувчи бадий деталлар орасида «чинор» образи алоҳида ўрин тутаяди, яъни қахрамон парига дуч келганида, у сув манбаи (булоқ, қудук, ҳовуз, дарё, кўл) бўйидаги дарахт тагида (ёки дарахт ёнида) турган бўлади. Чинор ҳаёт дарахтининг бадий образга

<sup>1</sup> Кожин П.М., Сарганиди В.И. Змея в культовой символике анаусских племен // История, археология и этнография Средней Азии. – М., 1968. – С. 35-40.

<sup>2</sup> Ремпель Л.И. Цепь времен. Вековые образы бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. – Ташкент, Изд. Литературы и искусства, 1987. – С. 32.

айланган вариантларидан бири бўлиб, қадимги мифологиядаги ҳаёт дарахти бутун оламга жон бахш этувчи, ўзга оламларни бирлаштириб турувчи мўъжизакор восита сифатида ҳосилдорлик ғояси билан ҳам боғланади. Парининг дарахт ёнида одамга кўриниши ҳосилдорлик ва серфарзандлик ғояларининг ифодаси ҳамдир.

4) *Пари образининг олов култи билан алоқадорлиги;*

Пари образининг шаклланишига асос бўлган мифологик тасаввурларнинг яна бир қатлами қадимги деҳқончилик маданияти юзга келган даврларда оила ўчоғининг муқаддаслаштирилиши анъанасига бориб тақалади. Аввалига қабила ўчоғининг посбони, доимий оловнинг сақловчиси вазифасини бажарган уруғбоши момолар «олов руҳи» образининг илк прототиплари эдилар. Мифологик қарашлар эволюцияси натижасида қабила ва оила раванқига магик таъсир ўтказа оладиган олов руҳи – Ўт она ҳақидаги тасаввурлар келиб чиққан. Бу мифологик образ гоҳ олов тарзида (тимсолий қиёфада), гоҳида эса гўзал аёл (антропоморф қиёфада) кўринишида тасаввур қилинган. Парининг ўт (чўғ) бўлиб кўриниши, уларнинг оловдан яратилганлиги ҳақидаги халқ қарашларининг асоси ҳам ана шуида.

Қадимги «олов руҳ»лари антропоморф қиёфада тасвирланганда аёл сиймосида гавдалантирилганлигини С.А.Токарев палеолит, неолит ва энеолит даври археологик топилмаларининг этнографик маълумотлар билан қиёслаш натижасида асослаб берган эди. Унинг фикрича, тош асрига оид ибтидоий одамлар яшаган манзил-ларда олиб бориётган археологик қазув ишлари чоғида жуда кўп аёл ҳайкалчалари топилган. Бундай ҳайкалчалар одатда оилавий ўчоқлар яқинидан топилганлиги, гольд, гилёк, олтой, тува, эвенк, қорейс ва чукчаларда «Олов она» деб аталувчи ёғоч кўғирчоқ ёки сопол ҳайкалчалар мавжуд бўлганлиги, шунингдек, аёллар ўтмиш-да қабиланинг муқаддас оловини сақлаш вазифасини бажарган-лиги, «ўт она»нинг руҳи олов сувратида тасаввур қилинганлиги ҳусусидаги жуда кўп тарихий-этнографик маълумотларни таҳлил қилиш шундай хулоса чиқаришга имкон беради: бундай аёл ҳайкалчалари илк тош асрида яратилган бўлиб, қадимги мифологиядаги ҳосилдорлик култи ва олов – она образининг тимсолий ифодаси вазифасини бажарган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Токарев А.С. Ранние формы религии. –М., Политиздат, 1990.- С.552-563.



«Тош асри гўзаллари» деб аталган бундай ҳайкалчалар Ўрта Осиё ҳудудида ҳам кўп топилган<sup>1</sup>.

Дастлабки даврлар бундай ҳайкалларда аёл илоҳа суврати тўла намоён этилмаган бўлса, кейинчалик кишилар тасаввуридаги эстетик тушунчанинг босқичма-босқич шаклланиб бориши натижасида ҳайкалчалар «гўзал аёл» қиёфасини олган. Шу тарика ҳосилдорлик култи ва олов инончининг тимсоли саналган муқаддас аёл образи келиб чиққан. Бу мифологик образ ҳосилдорлик мўл бўлишини таъминлаш, оилага фаровонлик бахш этиш, одамларни балоқазодан асраш, ҳомийлик қилиш вазифасини бажарган. Ҳосилдорлик маъбудаси — муқаддас она образида ҳомийлик билан алоқадор қадимги мифологик қарашларнинг яхлит ҳолда мужассамлашганлигини яна шундан ҳам билса бўладики, бу илоҳа сиймосида она табиатнинг абадийлиги, бокиралиги, сулувлиги, ҳаётбахшлик, гўзаллик, муҳаббат, умрнинг боқийлиги, руҳлар мадади бир бутун ҳолда намоён бўлган. У инсонга ҳомийлик қилувчи эзгу кучлар тимсоли сифатида тасаввур қилинган. Қадимги одам Муқаддас она сиймосида одатдан ташқари гўзал, табиатнинг барча сир-асрорларидан хабардор, ғайриоддий магик қудратга эга бўлган ҳаёлий образни гавдалантира олган. Ана шу мифологик қарашларнинг бадий ривожини натижасида дастлаб ҳосилдорлик култининг поэтик тимсоли сифатида тасаввур қилинган пари образи келиб чиққан.

Диссертациянинг иккинчи боби «Пари образининг бадий талқини» деб номланиб, бунда ўзбек халқ сеҳрли эртаклари сюжет тизимида пари образи бажарадиган поэтик вазифалар атрофлича ўрганилган. Унда пари образининг функциялари чуқур тадқиқ қилиниб, унинг бадий талқинидаги ўзига хос хусусиятларнинг намоён бўлиши мисоллар асосида таҳлилга тортилди.

Сеҳрли эртақлар сюжет қурилишида пари жуда кўп вазифаларни бажаради ва эпик воқеалар ривожини таъминлайдиган энг муҳим поэтик воситалардан бири бўлиб хизмат қилади. Масалан, «Гулиқаҳқаҳ» эртагида қаҳрамон ҳаётига парининг кириб келиши эртақ сюжетдаги конфликтнинг юзага келишига эпик замин ҳозирлаган<sup>2</sup>. Эртақ қаҳрамони — паридан туғилган тилла кокил боланинг кимсасиз чўлу биёбонга ташлаб келиниши воқеаси, бевоқифа қаҳрамонни она кийик тўрт ой эмизиши ва инсондан хавфсиз қочиб кетиши, қаҳрамоннинг шум кампир томонидан

<sup>1</sup> Джаббаров И., Древняя Азия. Духи, святые, боги Средней Азии. — Ташкент, Узбекистан, 1993. — С. 21.

<sup>2</sup> Олтин бешик. — Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 16-20-бетлар.

сандикқа солиб дарёга окизилиши, сандикни балиқчи тутиб олиб, болани оқил, меҳнатсвар, жасур, оқ кўнгил қилиб тарбиялаши мотивлари ўзаро узвий боғлиқ.

Онасиз тарбияланган Тилта коқилнинг кампир томонидан таъкиб этилиши, Гулиқаҳқаҳни топиб уйланиши, қаҳрамон пари эҳтиёжига зарур тилсимли буюмларни топиш учун кампир томонидан хавфли сафарларга юборилиши каби мотивларда ҳам пари образи эпик кўмакчи сифатида қатнашади. Мазкур эртақда пари сюжет тизимидаги бадий элементларни юзага келтирувчи поэтик восита вазифасини бажаради.

Парининг эртақ қаҳрамонини севиб қолиши ва унга турмушга чиқиши ҳам анъанавий эпик мотивлардан биридир. Баъзи эртақларда пари ўзи ошиқ бўлган йигит, яъни эпик қаҳрамонга эмас, балки эпизодик образ сифатида тасвирланган персонажлардан бирига турмушга чиқади. «Аҳмадлар» эртағида Ойсулув пари қаҳрамонга ошиқ бўлади. Бирок воқеалар ривожининг мантикий яқуни шунга олиб келадикки, эртақ қаҳрамони Аҳмадгон ўзига мафтун бўлган Ойсулув парини ғариб оғаси Юсуфгонга никоҳлаб беради<sup>1</sup>.

Мифологик образнинг инсонлаштирилиши жараёнида пари образи одатдаги одамларга хос сифатлар билан бойитилган. Шу боис парилар инсон фарзандлари сингарин меҳнатсеварлик, ҳалоллик, вафодорлик ва садоқатни қадрлайдиган, жасорат, ботирлик ва мардонаворликни улуғлайдиган образ даражасига кўтарилган.

Ўзбек халқ сеҳрли эртақларида қаҳрамоннинг севгилисига ёки хотини сифатида тасвирланган пари образининг бадий талқинидаги ўзига хосликлар қуйидагилардан иборат:

1) Парининг қаҳрамонга ошиқ бўлиши ва унга турмушга чиқиши эртақ мазмунини бойитувчи сюжет элементларидан бири вазифасини бажаради.

2) Парини қаҳрамонга турмушга чиқиши тасвирланган сеҳрли эртақларда бу ҳаёлий персонажнинг фарзандлари туғилиши ҳақидаги эпик маълумот берилмайди;

3) Қаҳрамоннинг парига уйланиши эпик сюжет ривожининг мантикий яқуни вазифасини бажарувчи анъанавий мотивдир;

4) Парининг қаҳрамонга турмушга чиқиши мотиви бу мифологик образ бадий табиатидаги эпик кўмакчи, маслаҳатчи, садоқатли ёр, сеҳргарлик, эзгуликни улуғловчи ҳомий каби эпик сифатлар уйғунлигида талқин қилинади.

<sup>1</sup> Олтин бешик, 136-149-бетлар.

Пари образининг ўзига хос хусусиятларишан бири унинг сеҳр-гарлик қила олишидир.

«Ахмадлар» эртагида тасвирланган Шохбол пари, Дилафрўз пари каби образларнинг сеҳр-жоду қудратига эгаллиги эврилиш мотивида намоён бўлади. Дилафрўз пари бир юмалаб каптарга айланиб, учиб кетади. Кўзланган манзилга етгач, яна бир юмалаб аввалги ҳолати – гўзал қиз сувратига энади<sup>1</sup>. Худди шу эртақда Дилафрўз пари бўри қиёфасида ҳам талқин қилинади.

Эртақда тасвирланишича, қўйларини еган бўрини қўлга туширган Ахмаджон отига миниб ўз суруви олдига қайтиб келибди. Бўрини уйи олдига боғлаб қўйибди, ўзи бўлса бўрининг ёнбошида ухлаб қолибди. Бир вақт Ахмаджон кўзини очиб қараса, ёнида бўри эмас, бир гўзал қиз сочини тараб ўтирганмиш. Йигитнинг хайрон бўлганини кўрган қиз шундай дебди:

« - Менинг исмим Дилафрўз, Шохбол парининг қизи бўлман, сиз кўрган бўрилар подшохи менинг отам бўлади. Мен ҳар хил тусга киравераман»<sup>2</sup>.

Парининг ўз кўринишини ўзгартира олиши унинг магик қудрат соҳибаси эканлигини кўрсатади. Бу эртақда париларнинг бўри сувратида намоён бўлиши қадимги туркийларнинг тотемистик қарашларига алоқадор мотивдир.

Маълумки, париларнинг сеҳр-жоду воситасида ўз кўринишини ўзгартириши, яъни эврилиши ҳодисаси ўзбек халқ сеҳрли эртақларида уч йўналишда талқин қилинади:

а) *эврилишининг зооморф типи*, яъни парининг инсон кўринишидан муайян жонивор шаклига эврилиши;

б) *эврилишининг антропоморф типи*, жонивор кўринишидаги парининг ўз асл қиёфаси – инсон кўринишига қайтиши;

в) *эврилишининг тимсолий типи*, яъни парининг муайян нарса – предмет ёки табиат ҳодисаси тарзида намоён бўлиши.

Юқоридаги эртақда Дилафрўз парининг қуш либосини ечиб, гўзал қизга айланиши антропоморфик эврилиш типига мансубдир.

Париларнинг сеҳр-жоду воситасида эврилиши мотиви ишда мазмунига кўра икки типга бўлиб тасниф қилинди:

1) *якка эврилиш*, яъни парининг фақат бир марта ёки маълум бир нарса-ҳодиса, жонивор кўринишини олиши;

<sup>1</sup> Олтин бешик, 136-149-бетлар.

<sup>2</sup> Олтин бешик, 138-бет.

2) таркибли эврилиш, яъни парининг бир эртақ воқеалари ривожи давомида бир неча марта ўз шаклу шамойилини ўзгартириб, ҳар хил кўринишга эга бўлиши.

Биринчи типга мансуб эврилиш «Кичкинажон-кичкина» эртагида мавжуддир. Эртақ қаҳрамони ялмоғизнинг эшиги олдида икки гул очилиб турганини кўрибди. Шу гуллар унга эгилиб салом берибдилар. Кичкинажон гулларни узиб олиб чаккасига таккан экан, олдида икки пари пайдо бўлибди. Ялмоғиз париларни гулга айлантириб эшигини олдига экиб қўйган экан<sup>1</sup>.

Кўринадики, бу якка эврилиш бўлиб, унда парилар гулга эврилиб, қаҳрамон кўмагида яна ўзларининг асл ҳолатига қайтишади.

Ўзбек халқ сеҳрли эртақларида париларнинг таркибий эврилиши, яъни эврилиш мотивларининг занжирсимон тизимига асосланган сюжетлар ҳам учрайди. Эврилишнинг бу семантик типи «Булбулигўё» эртагида қўлланилган.

Кенжага дуч келган Маймун пари эпик шартларнинг бажарилиши билан боғлиқ ҳолда ўз кўринишини бир неча марта ўзгартиради. Бу эврилиш мотивининг узвлари ва тадрижий тақомили қуйидагича ифодаланadi: (пари=инсоний киёфа) → маймун → от → қиз → маймун пари<sup>2</sup>.

Баъзан париларнинг сеҳргарлиги қаҳрамонни дуо билан сув, тош, гул каби нарсаларга айлантира олишида кўринади. «Тош излаган қиз» эртагида пари қаҳрамонни мушкул аҳволдан ҳалос қилиш учун балиққа айлантириб қўяди<sup>3</sup>. Бундай хусусиятга эга бўлишининг сабаби унинг сеҳрли китоби борлигидадир. Зеро, эртақ сўнигида пари бутун дунё сирларидан хабар берувчи ана ўша сеҳрли китобини қаҳрамонга ҳадя этади.

Демак, ўзбек халқ сеҳрли эртақларида иштирок этадиган пари образининг сеҳргар сифатидаги бадний талқини персонажнинг мифологик табиатини белгилувчи қуйидаги икки хил кўринишда ифодаланadi:

а) парининг сеҳр – жоду қудрати унинг қаҳрамонга бўлган муносабатида кўринади;

б) парининг сеҳри – магия хусусияти ўз кўринишини ўзгартиришида, яъни эврилишда намоён бўлади.

Ўзбек халқ сеҳрли эртақларидаги пари образи эпик кўмакчи ёки қаҳрамонга ёрдамчи вазифасида ҳам келади. Парининг қаҳра-

<sup>1</sup> Сеҳрли қиз. Сеҳрли эртақлар. VII китоб. -Тошкент: Ёш гвардия, 1989. 39-бет.

<sup>2</sup> Олтин бешик, 31-44-бетлар.

<sup>3</sup> Йилон пари: Ўзбек халқ фантастикаси. -Тошкент:

Ёш гвардия, 1985. 76-85-бетлар.

монга эпик кўмакчи сифатидаги функциялари ҳам моҳиятига кўра икки типга бўлинади:

а) *Ўз фаолияти билан қаҳрамонга бевосита ёрдам берувчи эпик кўмакчи*; одатда бундай парилар қаҳрамон эпик максатга эришувида кўмаклашади.

б) *Ўзининг маслаҳатлари билан қаҳрамонга билвосита ёрдам берувчи эпик кўмакчи*. Бундай кўмакчилар қаҳрамонга маслаҳат берувчи, йўл кўрсатувчи сифатида иштирок этадилар. Масалан, «Булбулигўё» эртагидаги маймун парининг билвосита ёрдами, яъни маслаҳатлари билан кенжа шаҳзода булбулигўё куш, Арзаки жодугарнинг оти ва подшонинг кизини олиб келади.

Ўзбек халқ сеҳрли эртаклари сюжетини функционал жиҳатдан таҳлил қилиш натижасида париларнинг эпик қаҳрамонга ёрдамчи вазифида келиши бу мифологик образнинг поэтик табиатига хос етакчи белги эканлиги аниқланди. Париларнинг қаҳрамонга ёрдам бериши мотиви қадимги аждоқларимизнинг пари ҳақидаги мифик қарашларига боғланади. Чунки улар париларни ҳосилдорлик ғояси билан алоқадор ҳомий куч тимсоли деб қараганлар. Ҳосилдорлик култи ва гўзаллик ҳақидаги эстетик қарашлар синтези натижасида юзага келган пари образи қадимги мифологияда ҳомий руҳлардан бири сифатида ҳам талқин қилинган.

Шунингдек, диссертациянинг иккинчи бобида пари образининг ўзбек халқ сеҳрли эртаклари сюжет тизимидаги ҳомийлик, тутқунлик, йўл кўрсатиш, ҳунар ўргатиш, рақиб бўлиш, ҳийлагарлик, қаҳрамонга она бўлиш, қаҳрамонга ошиқ бўлиш каби бадий вазифалари ҳам атрофлича ўрганилган.

Тадқиқотнинг ҳоғимасида диссертантнинг назарий хулосалари умумлаштирилган:

1. Ўзбекларнинг мифологик тасавурларига кўра, парилар гўзал киз (ёки йигит) кўринишида намоён бўлувчи, истаган пайтда ўз кўринишини ўзгартириб, жонивор, ўсимлик ёки муайян нарса-ҳодисага айлана олувчи, оддий одамларга ошиқ бўлувчи, уларнинг шомонлик фаолиятида ҳомийлик қилувчи мифологик образ сифатида тасаввур қилинади. Пари истиқомат қиладиган эпик юрт Кўҳи Қоф ва Боғи Ирам ҳисобланса-да, ариқ бўйи, гулзор, дарахтзор, боғ, тоғ, чўл, гор, қудук, чашма, ҳовуз, мазор, ташландик уй парилар кўринадиган жойлар деб талқин қилинади. Пари одамларга ошиқ бўлиб, уларни шомонликка ундайдиган ҳомий куч тимсоли сифатида талқин қилинади. Айрим ҳолатларда эса парилар муайян таъқиққа амал қилмаган кишиларга зиён етказувчи

сифатида ҳам тасвирланади. Бу нарса пари образи табиатига хос дуал хусусият ифодасидир.

2. Халқ қарашларига кўра, парилар асосан тўрт хил кўринишда тасаввур қилинади:

- а) антропоморф, яъни инсоний қиёфа (ғўзал аёл ёки эркак);
- б) зооморф қиёфа (каптар, илон, от, маймун, балиқ, тошбақа, қурбақа, йўлбарс, бўри);
- в) қурама қиёфа (инсон + қуш; инсон + балиқ; қанотли одам);
- г) нарса-ҳодисалар тарзида кўриниши ёки тимсолий қиёфа (олов, чўғ, тупроқ, қул, шамол каби).

3. Сув парилари ўзбек мифологиясининг аънавий образларидан бири бўлиб, тарихий келиб чиқишига кўра, қадимги туркий халқлар мифологиясининг сувда яшовчи афсонавий жонзотлар ҳақидаги аъназаларига алоқадордир. Ҳосилнинг мўл бўлиши сувда яшаб, унинг оқими ва дарё сатҳининг билад-пастлигини белгилаб турадиган, яъни сув стихияси тарзида намён бўладиган ҳомий кучлар маънада алоқадор деб билган қадимги деҳқонларнинг мифик қарашлари она табиат тимсолий ифодаларидан бирининг сув париси қиёфасида тасаввур қилинишига асос бўлган.

4. Пари образининг генезиси Ўрта Осиёда яшаган қадимги халқларнинг зардуштийликдан бурунги мифологик инончларига бориб тақалади. Бу образ ҳақидаги энг қадимий маълумотларни ўзида акс эттирган «Авесто»даги «пайрика» образи ҳам дуал табиатли бўлиб, худди парилар сингари ғўзаллик, сеҳргарлик, ўз шаклини ўзгартира олиш, ёвузлик ва зулмат оламига мансублик каби белгиларга ҳам эгадир.

«Пайрика» ва «пари» образларининг тарихий-генетик алоқадорлиги ва функционал яқинлиги ҳар иккала мифоним таркибий-этимологик жиҳатдан ўзакдош сўзлар асосида келиб чиққанлигини кўрсатади.

5. Пари ҳақидаги халқ қарашлари сув, олов, ўсимлик, жонивор билан боғлиқ ҳолда талқин қилиниши мазкур образ генезисини ҳосилдорлик культлари ва табиат тимсоли саналган Муқаддас она ҳақидаги қадимий тасаввурларга алоқалантириш имконини беради. Инсонга ҳомийлик қилувчи эзгу куч рамзи ҳисобланган бу мифологик персонаж билан боғлиқ эътиҳодий қарашларнинг ривожланиши натижасида Ўрта Осиёда яшаган қадимги деҳқонлар фольклориди ҳосилдорлик культининг поэтик тимсоли сифатида тасаввур қилинган *пари* образи келиб чиққан.

6. Пари ўзбек халқ эртақларининг образлар тизимидаги кўп функцияли персонажлардан бири ҳисобланади. Унинг етакчи

бадий вазифалари эпик қаҳрамонга ҳомийлик қилиш, ёрдам бериш, йўл кўрсатиш, вафодор ёр бўлиш, энағалик қилиш, хунар ўргатиш, гаройиб нарсалар эҳсон этиш, рақиблик қилишдан иборат. Мифологик қарашлар диффузияси натижасида эртак бадий матнига кўчган пари образи поэтик талқинидаги асосий семантик белгилар (магик хусусиятга эғалик; гўзаллик, ҳосилдорлик култига алоқадорлик, севги гоёсини ташиш) бу образ эпик табиатидаги кўп функциялиликини юзага келтирган.

Диссертациянинг асосий мазмуни эълон қилинган қуйидаги ишларда ўз аксини топган:

1. Пари ҳақидаги халқ қарашлари// Ўзбек тили ва адабиёти. - 1996. 1-сон, 43-45-бетлар.
2. Пари ва амазонка образлари ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти. - 1997. 2-сон, 52-55-бетлар.
3. Пари образининг генезисига доир// Ўзбек тили ва адабиёти. - 1998. 4-сон, 41-44-бетлар.
4. Ўзбек халқ оғзаки ижодида пари образининг келиб чиқиши// Жумҳурият ёш адабиётшунос олимларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. - Тошкент, 1994, 30-31-бетлар.
5. Пари ҳақидаги халқ қарашлари ва унинг тарихий асослари// Ўзбекистон ёш адабиётшунос олимларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. - Тошкент, 1995, 60-61-бетлар.
6. Топонимик афсоналарда пари образи// «Жой номлари – халқ маънавиятининг нодир мероси» мавзусидаги Республика илмий-пазарий конференцияси материаллари. - Навоий, 1998, 91-92-бетлар.

*Ш. Шайх*

## РЕЗЮМЕ

диссертации О.С. Каюмова «Образ пари в узбекском фольклоре (генезис и поэтика)».

Диссертация состоит из введения, двух глав, заключения и списка использованной литературы.

Во введении обосновывается актуальность темы, формулируются цель и задачи, характеризуется научная новизна, раскрывается степень изученности проблемы, научно-практическая значимость исследования, его источники и научная апробация.

В первой главе «Народные представления о пари» исследуется мифологический культ пари у узбекского народа. Здесь анализируются различные представления о происхождении пари, внешнем облике, образе жизни, о способах их встреч с людьми. Таким образом, приводятся легенды о происхождении пари из «Авесты», «Киссан Рабгузи» и других источников. Здесь приводятся сведения о том, что образы пари, играя большую роль в повседневной практической жизни населения Средней Азии, выполняли роль посредников между покровителями или шаманами. Таким образом, наглядное представление об антропоморфологии, зооморфологии, гибриде и внешнем облике пари исследовалось на письменных материалах, обнаруженных нами в Самаркандской, Навоийской и Бухарской областях. Здесь даётся научно обоснованный вывод о связях пари с культом воды, огня, змей и растений.

Во втором параграфе этой главы, посвящённом анализу генезиса образа пари, обосновывается тесная связь образа пари в узбекском фольклоре с проживающими на территории Средней Азии дехкан с культом урожая и культом священной матери. Таким образом прослежены основные ступени развития образа пари до художественного: от дозороастризма – богини любви, в эпоху зороастризма – злой силы, после зоороастризма – дуалистическая природа художественного образа. В заключении каждого параграфа этой главы даются полученные выводы.

Вторая глава «Художественное толкование образа пари», посвящена всестороннему анализу выполняемому образом пари поэтическим функциям в составе сюжета узбекских волшебных сказках. Здесь на основе глубокого изучения функций образа пари раскрываются на основе примеров. Например, присущие им особенности хозяйки магической силы, особенности их преобразования, заступничество эпического героя. На основе этого сделаны обобщающие выводы.

В заключении даются основные выводы, полученные в ходе исследования.



SUMMARY  
THE IMAGE OF PARY UZBEK FOLKLORE

(genesis and poetics)

O.S. KAYUMOV

The dissertation consists of an introduction, 2 chapters, a conclusion and a reference-list.

In the introduction the actuality of the theme is grounded, the aim and the tasks are formulated, the scientific novelty is characterized, the background of the problem, the scientific-practical importance of the research, its sources is revealed.

In the 1<sup>st</sup> chapter named «Folk imagination about pary» the mythological cult of Uzbek people's pary is researched. Here, different conceptions about the pary origin, the outward appearance, the way of life, about their meetings with people are analysed. So, the legends about the pary origin from «Avest», «Kissai Rabguzi» and other sources are presented. Here, the facts that the images playing an important role in everyday practical life of citizens of the Central Asia performed the role of intermediaries between protectors and shamans. So, the visual conception about anthropomorphology, zoomorphology, hybrid and an outward appearance of pary was investigated on the written materials having discovered in Samarkand, Navoi and Bukhara territories. Here, the scientific grounded conclusion about the links of pary with the cult of water, fire, snakes and plants is given.

In the 2<sup>d</sup> paragraph of this chapter devoted to genesis analysis of pary image in Uzbek folklore the close connectyion of dekhans living on the territory of the Central Asia with the cult of harvest and cult of sacred mother is grounded. Thus, the main steps of development of the pary image till the artistic one are traced: from zooastrism – the love godness to the epoch of zoroastrism – evil forse, after zooastrism – the dual nature of an artistic image. At the end each paragraph of this chapter the conclusions obtained are given.

The 2<sup>d</sup> chapter named «An Artistic interpretation of the pary image» is devoted to thorough analysis of poetic functions performed by pary image in the composition of topics of the Uzbek magical fairy-tales. Here, the functions of the pary image are opened on the example of the thorough study. For example, the peculiarities of mistress of magic force, those of their transformations, of the epic heroe. The generalized conclusions are made on the basis of it.

At the end the main conclusions obtained in the course of the research are given.

Боснига руждет этиди . 5.03.99г . . .

Бичими 60x84<sup>1/2</sup>. «РОТАПРИНТ» усулда босилан. Шартли  
босма тобоги . 1,5 . . . . . Жамн . 100 . . . нусха . . . . .  
495 . рақамли буюртма.

ЗАР ФА «Фан» нашриёт босмадониси, 700170, Тошкент,  
Х. Абдуллаев шоҳ кўчаси, 79.